



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (56) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (56)

2023

июнь

УДК: 616.155.194-08.616.15

ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ АНЕМИЯСИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ

М.М. Жуманиязова <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

Ф.Р. Камалова <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Хозирги вақтда дунё бўйича 2 миллиардга яқин одам анемиядан азият чекади. Аҳамиятлиси шундаки, бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташиклоти маълумотларига қараганда 47,4 % мактабгача ёшдаги, 25,4% мактаб ёшидаги болаларда анемиянинг у ёки бу шакли учрайди. Анемия оғиз бўшлиғи ҳолатига жуда сезиларли таъсир қилиб, жиддий стоматологик муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун бу касалликнинг кечиши ва унинг оғиз бўшлиғи органларига таъсири ҳақидаги маълумотлардан болалар стоматологлари етарлича маълумотга эга бўлишлари керак. Стоматология соҳасидаги замонавий изланишлар орал саломатлик ва унинг бошқа метабolik, ҳамда тизимли касалликлар билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

Калит сўзлар: темир танқислиги анемияси, стоматологик саломатлик, оғиз бўшлиғи, илтимой аҳамият.

ОЦЕНКА ФАКТОРОВ РИСКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ С ЖЕЛЕЗНОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИЕЙ

М.М. Жуманиязова <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

Ф.Р. Камалова <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Во всем мире около 2 миллиардов людей страдает от анемии. Причем чаще всего симптом диагностируется у детей. По данным ВОЗ, анемия в той или иной степени присутствует у 47,4% дошкольников и у 25,4% детей школьного возраста. Анемия оказывает наиболее значительное влияние на состояние полости рта. Поэтому детские стоматологи должны быть осведомлены об особенностях течения заболеваний полости рта у детей с анемией. Современные исследования в области стоматологии направлены на выявление связи между оральным здоровьем и различными метаболическими и системными заболеваниями. Анемия среди детей - это один из наиболее распространенных нарушений в общей популяции и предрасполагающий к различным сопутствующим заболеваниям и осложнениям, влияющим на общее состояние здоровья.

Ключевые слова: железодефицитная анемия, стоматологическое здоровье, ротовая полость, социальное значение.

ASSESSMENT OF RISK FACTORS FOR THE OCCURRENCE OF DENTAL DISEASES IN CHILDREN WITH IRON DEFICIENCY ANEMIA

М.М. Jumaniyazova <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

F.R. Kamalova <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>

✓ **Resume**

Around the world, about 2 billion people suffer from anemia. Moreover, most often the symptom is diagnosed in children. According to WHO, anemia is present to some extent in 47.4% of preschool children and 25.4% of school-age children. Anemia has the most significant impact on oral health. Therefore, pediatric dentists should be aware of the peculiarities of the course of oral diseases in children with anemia. Modern research in the field of dentistry is focused on identifying the relationship between oral health and various metabolic and systemic diseases. Anemia among children is one of the most common disorders in the general population and predisposes to various comorbidities and complications affecting general health.

Key words: iron deficiency anemia, dental health, oral cavity, social significance

Долзарблиги

Бир нечта илмий изланишларда темир танқислиги анемияси оғиз бўшлиғи ҳолати билан боғлиқлиги ўрганилган. Пародонтит ва тиш кариеси каби асосий тиш касалликларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида анемиянинг аҳамияти ҳақида далиллар мавжуд. Тўқималардаги метабolik мувозанатнинг бузилиши анемияга чалинган беморларнинг оғиз бўшлиғи маҳаллий имунитетининг қаршилигини пасайиши ва шу билан пародонтал касалликларнинг бошланиши, ривожланишига сабаб бўлиши билан тушунтирилади. Темир танқислиги анемияси билан пародонт касалликлари ўртасида икки томонлама боғлиқлик мавжуд, деган фикр илгари сурилади, анемияда гемоглобин микдорининг тушиб кетиши, бунинг оқибатида эса қон шаклли элементларидан бўлган эритроцитларнинг ҳам камайиб кетиши юзага келади. Тўқималарга кислород ташувчи шаклли элементларнинг шикастланиши оқибатида эса бутун организм тўқималарининг шикастланиши келиб чиқади [2.4.6].

Гемоглобин эса – темир моддасини ўзида сақловчи жуда муҳим кўрсаткич бўлиб, тўқималарни кислород билан таъминловчи хусусияти маълум. Шунинг учун ҳам болаларда анемиянинг симптоми ҳар хил ва турлича кечади. Ҳозирги даврда болаларда учрайдиган темир танқислиги анемиясининг сабаблари жуда кўп. Айрим муаллифлар бу сабабларни қон ишлаб чиқарувчи механизмга боғлашса, бошқа олимлар эса буни болалик ёки ўсмирлик давридаги тез ўсиш ва мукамал бўлган моддалар алмашинуви билан тушунтиришади. Анемия билан оғриган болаларда иштаҳанинг йўқолиши, холсизлик, имун ҳолатнинг заифлашуви ва қатор бошқа органдаги муаммоларнинг кечиши билан намоён бўлади. Бундан ташқари бу каби болалар кам ҳаракатчан, инжиқ ва жиззаки бўлиб қолишади, тана вазнининг тушиб кетишига ҳам олиб келади.

ЖССТ мутахассисларининг фикрига кўра, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш инсон ресурслари жиҳатидан ҳам, тиббий хизматнинг юқори нархлари бўйича ҳам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг самарали усули деб ҳисобланади. Болалар ёшида темир танқислиги анемияси ҳақидаги билимлар тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиш ушбу касалликни назорат қилиш ва даволашда самарали ҳисобланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, тўғри режалаштирилган даволаш тадбирлари анемия асоратларини 80% камайтириши мумкин [1.3.5].

Пародонт касалликлари ва кариес ушбу туркумдаги беморлар орасида энг кўп учрайдиган сурункали стоматологик муаммо ҳисобланади. Пародонтдаги яллиғланиш фақатгина пародонт тўқимаси билан чегараланмай, тизимли равишдаги ўзгаришларни, шунингдек гингивит ва пародонтдаги оғир бузилишларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Мақсад: Темир танқислиги мавжуд мактаб ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш ва стоматологик ҳолатга баҳо бериш, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини ўрганиш, улар орасида стоматологик касалликларни олдини олиш.

Олдимизда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик: Хоразм вилояти Ургенч тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида доимий назоратда ва даволанишда бўлган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган темир танқислиги мавжуд бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни йиғиш; темир танқислиги анемияси билан оғриган

болалар оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш, стоматологик текширувлар олиб бориш (ГИ,РМА,ТЭР,КЭ); темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда ҳаёт сифатини ўрганиш; ушбу туркумдаги болаларда стоматологик касалликларни олдини олиш профилактик алгоритминини ишлаб чиқиш;

Материал ва усуллар

Темир танқислиги анемияси бор болаларда стоматологик касалликлар ривожланиши учун мавжуд бўлган хавф омилларининг аҳамиятини ўрганиш мақсадида биз Хоразм вилояти Ургенч тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида даволанаётган 431 нафар беморларни танлаб олдик. Ушбу беморларнинг касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинди.

Натижа ва таҳлиллар

Ретроспектив тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, болалар ёшида анемиялар орасида айнан темир танқислиги анемияси 70,8% ни ташкил қилди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал.

Болаларда умумий қон касалликларига нисбатан темир танқислиги анемиясининг учраш даражаси

Йил	жами, абс	Темир танқислиги анемияси сони	
		Абс	%
2018	91	65	83,3±1,8
2019	165	132	78,3±1,9
2020	178	174	79,8±2,0
Жами	434	371	80,4±1,1

Ўрганилган даврларда темир танқислиги анемияси касаллиги Хоразм вилоятидаги болалардаги барча қон касалликларига нисбатан 80,4% ни ташкил қилади. Бунда болаларда ушбу касалланишнинг динамик ўсиши кузатилмоқда.

Шу гуруҳ беморлар орасида стоматологик касалликларнинг учраши кизиқиш уйғотди. Темир танқислиги анемияси билан касалхонага ётқизилган барча беморлар орасида 257 (59,6 ± 1,6%) нафарида у ёки бу кўринишдаги стоматологик касалликлар аниқланди.

Стоматологик ҳолатни ўрганиш учун болалар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ - 3-5 ёшли сут тишлов билан 30 (5,8 ± 1,0%) нафар болалар; 2-гуруҳ – 6-11 ёшли алмашинув тишлови билан 133 (25,7 ± 1,9%) нафар болалар; 3- гуруҳ – 12-17 ёшли доимий тишлов билан 271 (58,5 ± 2,0%) нафар болалар олинди. Темир танқислиги анемияси ташхиси билан касалхонага ётқизилган болаларни гуруҳларга ажратиб ўрганганда, натижа шуни кўрсатдики, касалликнинг 3-5 ёшли ўғил ва қизлар ўртасида учраши мос равишда 1:1.3; 6-11 ёшли болаларда 1:1.25; 12-17 ёшли болаларда эса -1: 1.13 ни ташкил этди [8.10.12.14].

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, 12-17 ёшдаги болалар 271 нафарни ташкил этиб (58,5%), тез - тез стационар даво муолажаларига мухтож бўлишган (2.2-жадвал)

Жадвал 2.2 Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда стоматологик касалликлари бор беморларни ёшга мос ҳолда гуруҳларга ажратиш (m±M)

Ёшга мос ҳолда гуруҳларга ажратиш	Абс	%
3-5 ёш	30	5,8±0,25
6-11 ёш	133	25,7±1,12
12-17 ёш	271	58,5±3,0
Жами	434	100

Темир танқислиги анемияси билан оғриган болалардан олинган анамнез маълумотларига асосан аниқланган хавф омиллари (жадвал.2.3).

Жадвал 2.3.

**Болаларда темир танқислиги анемияси ривожланиши учун сабаб бўлган факторлар
(m±M)**

Хавф омиллари	N	%
Ота-онасида анемия (ёки оилада)	68	13,12±0,57
Алиментар факторлар	74	14,28±0,62
Витаминлар танқислиги	203	55,4±2,4
Аниқланмаган	89	17,2±0,75
Жами	434	100

Стоматологик касалликларнинг учраши эса хилма-хил бўлиб, клиник кечиши турли даражада эди. (2.4-жадвал).

2.4 жадвал

**Темир танқислиги билан оғриган болаларда стоматологик касалликларнинг клиник
формалари (m±M)**

Клиникқўриниши	N	%
Кариес	393	75,8±3,3
Хроник периодонтит	148	28,6±1,3
Катарал гингивит	128	24,7±1,0
Пародонтит	78	15,1±1,3
Гипертрофик гингивит	14	2,7±0,1
Дистопия	35	6,7±0,3
Прикус аномалияси	27	5,2±0,2
Юқори лаб қиска юганчаси	14	2,7±0,1
Тилнинг калта юганчаси	11	2,2±0,09
Тугалланмаган амелогенез	11	2,2±0,09
Тиш эмали гипоплазияси	7	1,4±0,06
Тугалланмаган дентиногенез	2	0,38±0,01

Шундай қилиб, хавф омилларини ўрганиш ва клиник ва анамнестик параметрларни комплекс баҳолаш ушбу туркумдаги болаларда стоматологик касалликларини эрта ташхислаш имконини беради, тиш касалликларини ривожланишининг хавф омиллари дастлабки профилактика тадбирларини режалаштириш ва ушбу тоифадаги беморларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анемияга чалинган беморлар ўзининг касаллигини стоматологик касалликлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақида етарли даражада маълумотга ва билимга эга эмаслар.

Аммо, адабиётлар маълумотларига кўра, стоматологлар ҳам пародонт ва тиш тўқималарининг шикастланишларини таъсирини етарлича баҳоламайдилар. Тадқиқот маълумотларига кўра, стоматологлар 44,3% ҳолатларда пародонт тўқимаси яллиғланишлари билан бўлган беморларни мунтазам равишда эндокринолог маслаҳатига юборишган, аммо даволаш оғиз бўшлиғидаги клиник ҳолатга мувофиқ ҳолда мустакил равишда тайинланган. Шифокорларнинг 36,8% ушбу туркумдаги беморларга гематологга ташриф буюришни маслаҳат беришган, агар “учрашувда бунинг зарурлигини тушунтиришга вақт топилса”. 12,2% ҳолатларда стоматологлар пародонт касалликлари билан оғриган беморларни болалар гематологига мурожаат қилмаган ҳолда, дарҳол даволанишни бошлашган. Шифокорларнинг атиги 6,7% болалар гематологлари билан маслаҳатлашишни маслаҳат беришган ва фақат натижага мувофиқ улар даволаш режасини тузишган ушбу даволаш режаси кўп ҳолларда кўп тармоқли хусусий касалхоналарда олиб борилганлиги ҳақида хабар беришади [7.9.11.13].

Хулоса

Стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва уларни ўз вақтида даволаш тишларни сақлаб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида амалиётдаги гематологлар ва стоматологлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш зарур. Бундай ҳолларда, стоматолог - шифокорини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг эса тутиш керакки, болалар стоматологлари анемия билан оғриган беморларни даволаш ва тишларини протезлашнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аболенская А.В., Усанова Е.П., Маткиевский Р.А., Разживина У.Н. Ранние признаю! экологического неблагоприятного воздействия на детский организм. Медико-соц. и правовые аспекты охраны материнства и детства -Екатеринбург, (1992):8.
2. Бабаджанова Д.Д., Кошель И.В., Марков Х.М., Задкова Г.Ф. и др. Агрегация и биосинтез простагландинов в тромбоцитах у детей с хронической идиопатической тромбоцитопенической пурпурой. Педиатрия. (1987) 8:43-45.
3. Казакова Л. М. Макрушин И. М. Иммуитет при дефиците железа Педиатрия. (1992) 10-12:54-59.
4. Никитин Д.О., Тиранова С.А., Петрова Э.М. Классификация и современная терапия приобретённых апластических анемий у детей Гематол. и трансфузиол. (1993) 1:15-19.
5. Vincze A., Karadi O., Hunyady B., Pakodi F., Suto G., Mozsik G. One year follow-up of patients after successful helicobacter pylori eradication therapy J. Physiol. Paris. (2001) Jan-Dec; 95(1-6):457-60.
6. Камалова Ф.Р. Реплантиция зубов при хроническом периодонтите// Сборник статей Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):117-119.
7. Камалова Ф.Р., Афакова М.Ш. Реплантиция зубов при остром гнойном периостите Новый день в медицине. (2019) 3(27):124-125.
8. Камалова Ф.Р., Иноятлов А.Ш. Влияние препарата ИРС -19 на микрофлору полости рта у больных острым периоститом Проблемы биологии и медицины. (2007) 2:81-82.
9. Камалова Ф.Р., Иноятлов А.Ш. Реплантиция зубов, консервированных раствором Викон Материалы всероссийского конгресса и республиканской конференции стоматологов. Республики Башкортостан. (2007):22.
10. Камалова Ф.Р., Иноятлов А.Ш., Бафоев Ж.Т. Изучение эффективности ИРС-19 у больных с острым периоститом Материалы XV Международной конференции челюстно-лицевых хирургов и стоматологов. (2010):28.
11. Камалова Ф.Р., Казакова Н.Н. Показатели распространенности и интенсивности кариеса зубов у детей Бухарской области «Актуальные вопросы стоматологии детского возраста» 2-ая Всероссийская научно-практическая конференция, посвященная 90-летию со дня рождения профессора Сайфуллиной Х.М. Казань. – (2019):75-79.
12. Камалова Ф.Р., Муллаев Т.М. Применение аутогемотромбоцитарной массы в хирургической стоматологии Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2018):57-58.
13. Камалова Ф.Р., Муллаев Т.М. Эффективность применения остеопластических биоматериалов в амбулаторной хирургической стоматологии Новый день в медицине. (2018) 3(23):180-182.
14. Камалова Ф.Р., Ражабов А.А. Сравнительная оценка результатов первичной хейлопластики у детей с врожденной двусторонней расщелиной верхней губы и неба Проблемы биологии и медицины. (2017) 4,1(98):68.

Қабул қилинган сана 20.05.2023